Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 120 (7. 209) 1990 йил 29 май, сешанба Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

А Х Б О Р О Т

1990 йил 28 май куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XX пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига тайёргарлик ва уни ўтказиш масалалари тўғрисида ахборот берди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларидан бўлажак съезднинг асосий ҳужжатларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Компартиясининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига таклифларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи комиссия тузди.

Кун тартибидаги барча масалаларни муҳокама қилиш юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси Т. А. Ешимбетова, Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев, Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Едгоров, Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Қашқадарё вилоятининг Қитоб районидаги Навоий номли совхоз директори К. Ашуров, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси В. И. Таранторова, Ўзбекистон ССР Олий Совети транспорт ва алоқа доимий комиссиясининг раиси Ғ. З. Заҳриддинов, Самарқанд вилоятининг Нурота районидаги «Қизилча» совхози директори М. Нурбоев, Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи секретари Р. Худойберганова, Фарғона вилоят ижроия комитети ижтимоий таъминот бўлимининг мудири У. Бегматов, Жиззах вилоятидаги Пахтакор район партия комитетининг биринчи секретари Б. Тожиев, Тошкент давлат дорилфунуни кафедра мудири Л. Қаюмов, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ҳайъатининг раиси Б. Қориева, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан ўз ишини тугаллади.

Танишинг: КПСС XXVIII съезди делегати



Ишлаш учун борамиз

Дилором Мусабекова, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг смена устаси. 1974 йилдан КПСС аъзоси. Корхонада ўн саккиз йилдан бери ишлайди.

Таржиман ҳолнинг бу лўнда сатрлари Тошкент область партия конференциясида КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайланган ишчи аёлнинг дунёқараши, нуқтаи назарларини ифода этишга ожизлик қилиши табиий.

— Анжуманга қандай ўйлар билан борасиз дейсизми? — тикувчилар мураббийсининг қувонч балқиб турган чеҳраси жиддийлаша бошлайди. — Биласизми, илгарилари съездга делегат қилиб сайланишни елкамга бахт қуши қўниши билан баробар,» деса бўларди. Турли имтиёзлар, совғалар...

Ҳозир эса, фикримча, съездга ишлаш, шаҳримиз, қолаверса жумҳуриятимиз коммунистлари, барча меҳнаткашларининг ўй-фикрлари, ташвишлари, умидларини етказиш керак, деб ўйлайман. Бугун қайси томонга қараманг — муаммо. Ҳамма нарса: уй-жой ҳам, моллар ҳам, озиқ-овқат ҳам етишмай қолди. Бунинг устига ижтимоий танглик, миллатлараро келишмовчиликлар можароларга айланиб кетмоқда. Жиноятчилик кучаймоқда. Ана шу муаммоларнинг ҳаммаси кеча ёки бугун пайдо бўлди, дейиш нотўғри. Биз уларни узоқ йиллар давомида яшириб келардик, ниҳоят иситмаси ошкора қилди-қўйди.

СССР Конституциясининг машҳур 6-моддаси бекор қилинганлиги билан КПСС ўзидан жамиятимиздаги етакчилик вазифасини соқит қилгани йўқ. Демак у бугун ҳаётимизда мавжуд қийинчиликларга ҳам, эртага мўлжалланган режаларимизнинг, бажарилишига ҳам масъул, жавобгар.

Коммунистик партия сафлари жипс бўлсагина бу вазифаларнинг уддасидан чиқа олади. Ҳозир эса уни турли қарашларга эга бўлган гуруҳларга бўлиб юбориш умидидан воз кечмаётганлар йўқ эмас. Демак биз Тошкент область партия конференцияси делегатлари, демакки кўпчилик коммунистларимиз ҳоҳиш-иродасини ифода этиб, КПССнинг бирлигини қаттиқ ҳимоя қилишимиз зарур....

Танишинг, бу КПСС XXVIII съезди делегати, ишчилар вакили Дилором Мусабекованинг нуқтаи назари.

Т. Каримов сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг иккинчи сессияси 1990 йил 18 июнда чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон ССРда Мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
2. Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети тўғрисида.
4. «Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. Республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида.
6. Ўзбекистон ССРда аёлларнинг аҳволини яхшилаш, оналикни муҳофаза қилиш ва оилани мустаҳкамлаш чоралари ҳақида.
7. Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясининг «Умумий қарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари ҳақида»ги қарори қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборот.
8. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таркибидаги ўзгаришлар ҳақида.
9. Ўзбекистон ССР баъзи Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
10. Савдода сунистъмол ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида.



⊙ МАШИНАСОЗ. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг 27-цехи юқори малакали слесарь-йиғувчиси Александр Маркович Лиман.

Р. Шарипов сурати.

РЕЖАГА МУВОФИҚ УЧИЛМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 27 май. (ТАСС). «Прогресс-42» автомат кемасининг учишн ниҳоясига етди. Бу кема «Мир» станциясига икки тоннага яқин турли юкларни элтиб берди.

Соат 11 дан 09 минут ўтганда кема одам бошқараётган комплексдан ажратилди. Ҳисоблаб қўйилган вақтда у пасайиш траекториясига ўтказилди, атмосферанинг зич қатламларига кириб, куйиб йўқ бўлиб кетди.

Анатолий Соловьев билан Александр Баландин фазодаги ишни давом эттирмоқдалар. Экипаж учишининг бугунги режасига геофизика тажрибалари, ҳаёт таъминоти системасининг асбоб-ускуналари ишлашини кўздан кечириб, режалаштириб қўйилган сеанслар тадбирларини кўриш киритилган эди. Тушдан кейин экипаж «Союз ТМ-9» кемасининг базавий блоки ўтиш бўлмасини «Квант» модулининг туташтириш узелига туташтиришдан аввал мазкур кеманинг ишини тўхтатиб қўйишга киришди.

Телеметрия ахборотн маълумотларига ва экипаж берган маълумотларга қарағанда, учиш белгиланган режага мувофиқ ўтмоқда. Фазогирларнинг сиҳат-саломатлиги ва кайфияти яхши.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

МУРОСАСИЗ БЎЛИШ ДАВРИ

ЎТГАН ҳисобот-сайловда маъмурият зиммасига корхонани хўжалик ҳисобига ўтказиш вазифаси юкланган эди. Бу вазифанинг биринчи босқичи бажарилди холос. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан трамвай-троллейбус корхоналарининг иш режалари тасдиқланди. Хўжалик ҳисобига бўлган талаб режим таърифи бўйича кўрилди ва бошқарма 801 минг сўм иқтисод қилди. Янгиликни ўзлаштириш ана шундай фойдали натижа берди.

Электр транспорти корхоналари фаолиятини иқтисодий анализ қилишда партия-хўжалик фаоллари самарали ишларни амалга оширдилар. КПСС аъзолари, бошқарма бошлиғининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари Р. Ф. Ним, сиёсий парткабинет мудири В. С. Миграновалар иқтисодий ўқувни ташкил этиш, меҳнаткашларнинг социал шароитини яхшилаш масалаларини илгари сурган эдилар. Шунга кўра партия комитети ўз ишини инсон омилини активлаштириш, ижтимоий масалалар ва маший хизматни яхшилаш орқали шакллантирди. Бу борада биринчи қадамлар қўйилди.

Ўтган ҳисобот даврида бошқарма касаба уюшмаси ишида қайта қуриш сезилмади. Касаба уюшмаси аъзолари меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишдек бурчларини бўшаштириб юбордилар. Саноат ва озиқ-овқат маҳсулотидаги камбағалликни тўғри ҳал қилиш ўрнига қўпол хатоларга йўл қўйилди. Ҳайдовчиларнинг ҳақли талаблар билан чиқиши касаба уюшмаси ходимларининг ўз ишларига совуққон муносабатлари натижасида бўлганлиги аён бўлди. Шунга қарамай бошқарма касаба уюшмаси бу масалада ҳайдовчилар талабини кўриб чиқиб уларга ўз муносабатини маълум қилмаган.

Партия комитетининг иш фаолиятидаги бош йўналишларидан бири цех партия ташкилотларига кадрларни тайёрлаш, ишчан етук кадрларни жой-жойига қўйишдан иборат эди. Шунга кўра у ёки бу лавозимга кўрсатилган ҳамма номзодлар цех партия ташкилотлари фикрига асосланган ҳолда тайинланди. Бироқ ҳозирги кунда учала трамвай депосида ҳам ҳайдовчи-кадрлар етишмайди. Ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган йилларида ҳайдовчилар тайёрлаш ўткир муаммолигича қолмоқда. Сабаби турлича. Биринчидан, трамвайларнинг техник ҳолати, йўл хўжалиги ишидаги камчиликлар, бунинг устига ҳайдовчиларга тўланадиган маошнинг камлиги бунга сабабдир. Бу йил ҳайдовчилар маошини ошириш мақсадида бир неча тадбирлар амалга оширилди. Шунга қарамай меҳнат шароитининг оғирлиги ёшларнинг ҳайдовчилик курсларига боришини сусайтирмоқда.

Партия комитети котиби (А. Сартаев), сиёсий оқартув парткабинети мудираси Р. Миграновалар партия иқтисодий ўқув машғулотлари устидан ҳақиқий назорат олиб бормадилар. Машғулотлар ўз вақтида ўтилмади, ташвиқотчилар контрол бўлимининг бошлиги С. Г. Платонов «Красновосточное» депоси цех бошлиғи Р. Х. Хельфин ўртоқлар ўтган йилги ўқув планини уддалай олмадилар.

Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб КПСС аъзолигига номзод қабул қилишда янгича тажриба қўлланилмоқда. Номзодликка қабул қилинганлик ҳақидаги қарорни корхона партия комитети қабул қилади. Бунда район партия комитетининг тасдиғи кутилмайди.

Биргина корхонамиз коммунистларининг аниқуманида аён бўлдики, хоҳ хўжалик юритиш ишлари бўлсин хоҳ яна бошқа масалада коммунистлар олдида турган масалалар долзарб, кечиктириб бўлмас. Йўлимизга тўсиқ бўлаётган ҳар қандай ишга нисбатан муросасиз бўлиш, ошкоралик принципида туриб бориш давр тақозосидир.

Ф. АБДУРАҲИМОВ, С. АЛИЕВ.

Бу ҳақда XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида гапирилди

ҲАММА НАРСАНИНГ НАҚДИ ЯХШИ

⊙ **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва 1991—1995 йилларда шаҳарнинг тарихий районлари таъмирланишини жадаллаштириш бўйича биринчи навбатдаги тадбирлар ҳақида қарор қабул қилган шаҳарликларга катта ғамхўрлик бўлди.**

Аммо маълумотларга қараганда аҳолини уй-жой билан таъминлаш иши ҳамон суст кетяпти. Минглаб оилалар уй-жой олиш учун навбат кутиб турибдилар. Бу ҳақда XXVII шаҳар партия конференциясида ҳам айтиб ўтилди. Қўпгина қурилиш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришдаги узилишлар, борларининг ҳам сифатсизлиги бу борада ишни орқага тортиб келмоқда.

Республика давлат қурилиши, республика сув хўжалиги ва «Ўзбекбирлашув»га қарашли қурилиш ташкилотларида ҳудди шундай мисоллар тез-тез учраб туради. Масалан, қурилиш учун зарур бўлган эшик, дераза ва ромлар тайёрлайдиган завод ва фабрикаларнинг иши ҳам бунга мисол бўла олади. Кўпчилик ҳолларда улар ишлаб чиқарган маҳсулот сифатлари талабга жавоб бермаяпти. Чунки улар юпқа тахталардан тайёрланган бўлиб, бунинг устига яхши қуритилмаган бўлади. Шундай ҳол ашёдан тайёрланган маҳсулот вақт ўтиши билан қуриб, бир-бирига зич ёпилмайдиган, табақалар қийшайиб қоладиган бўлади. Шошма-шошарлик, «мендан кетгунча эгасига етгунча» қабилида иш юритишнинг оқибати кетма-кет кўнгилсизликларни келтириб чиқараверади.

Маҳсулотлар сифати, унинг яроқли ёки яроқсизлигини махсус мутахассислар таҳлилида кўрадиган бўлсак, улар камчиликлар нимадан келиб чиқишини айтиб беролмайдилар. Республика стандартлаш ва ўлчов марказидаги назоратчи ходимлар эса бир қанча қурилишларда бўлиб, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмларнинг сифатини назорат қилдилар. Тошкентда уй-жой қурилиши комбинатлари ҳамда ёғочни қайта ишлаш заводлари бор.

Тошкентдаги 2-ёғочни қайта ишлаш заводи қурилишларни дераза, эшик ва ромлар билан таъминлайди.

Ачинарлиси шундаки, бу корхонанинг иши таҳлил қилинганда текшириш учун ажратилган туркумдаги маҳсулотлар сифат жиҳатдан 100 фоиз стандарт талабига жавоб бермаган. Бу маҳсулотлар аввало қуримаган ёғочлардан тайёрланган. Ёғочнинг намлик даражаси стандарт кўрсаткичида 9—12 фоиз бўлиши лозим бўлса, уларда бу кўрсаткич 20 фоиздан ошиб кетган, юқорида айтганимиздек кенгайиб, зичланмайдиган бўлиб қолган. Пардоз берилмаган нормадаги 2 та шуруп ўрнига битгадан ўрнатилиб, у ҳам болға билан уриб қўйилган. Маҳсулот сифат паспортисиз тайёрланган, тамғалаш ишлари мутлақо унутилган. Сифат гуруҳлари номигагина ташкил қилинган. Йўл қўйилган камчиликлар учун корхона планидан 10,9 минг сўм, фойда фондидан 2.140 минг сўм чегириб ташланган ҳамда баъзи хил маҳсулотларни сотиш тақиқланган. Демак, қанчадан-қанча қурилиш ишлари ўлда-жўлда қолдирилган. Бу эса қурилишдаги ишчиларнинг қўлини ушлайди, сифатсиз маҳсулот билан ишлаш эса, янада қийинчиликлар туғдираверади. Навбат кутиб турганлар сони янада ошаверади. Бундан кўриниб турибдики, корхонада иш тўғри йўлга қўйилмаган.

Баъзи корхоналарда маҳсулотни тайёрлаш ва уни сақлашда қўлланиладиган норматив-техник ҳужжатлар етишмайди. Бунинг устига намлик ҳароратини ўлчайдиган аниқ ўлчов асбоби бузуқ, ишлатишга яроқсиз, дурадгорлик асбобларининг ҳам кўпчилик қисми созланмаган, ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Бундай шароит, ўз-ўзидан маҳсулотни келтириб чиқаради. Аҳвол шундай бўлаверса, ишнинг бир маромда бориши қийинлашиб кетади. Корхона раҳбарларига ҳайфсан беришлар, қоғоздагина қолиб кетадиган жазо чоралари сифат яхшиланишига сезиларли таъсир қиларми-кан?

Ҳамма ишнинг нақди яхши. Бу ўринда тегишли юқори ташкилотлар амалда ёрдам қўлларини чўзмоқлари керак. Бундай аҳволда аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириб бўлармикан?

Бинобарин, партиямиз дастури, конференция материалларида айтилганидек, бугунги кунда аҳоли учун зарур бўлган, у интилиқлик билан кутаётган уй-жойларни ўз муддатида, сифатли қилиб, кўз кўрса яйрагудек, яшаса арзигудек қилиб қурайлик.

Г. ВОҲИДОВА,
Республика стандартлаш ва ўлчов маркази ходими.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

ШИОРЛАРИ—ИЗЛАНИШ

⊙ Бу йил жумҳурият «Агросаноат ремонти» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент тажриба-таъмирлаш механика заводи ўзининг олтмиш йиллик санасини нишонлайди. Мазкур корхона жумҳуриятда ягона бўлиб, ўз маҳсулоти билан бутун ўзбекистонни таъминлайди. Хўш, завод нималар билан шуғулланади? Унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари қанақа?

— Заводимиз двигателларни таъмирлаш, тракторлар, каноп ўрувчи комбайнларнинг қисмларини тайёрлаш билан шуғулланади, — дейди завод бош муҳандиси Д. И. Ваничкин. — Биз асосий ишларимиздан ташқари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хўжалик ишларида асқотадиган турли буюмлар, ювилган кирларни қуритиш учун мосламалар аҳолининг кундалик ҳаёти учун зарур эканлиги кўзга ташланяпти. Бундан ташқари жамоамиз аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ҳам ўзлаштиряпти.

Бош муҳандиснинг айтишича, ўтган йили завод аҳли планни муваффақиятли бажарди. Айниқса халқ истеъмоли буюмлари топшириш кўрсаткичи 121 фоизга бажарилганлиги ниҳоятда қувончлидир. Мазкур жамоада меҳнат самарадорлиги бўйича ўртача кўрсаткич 101,9 фоизни ташкил этади. Шу йилнинг дастлабки уч ойлик режалари ҳам ортиғи билан адо этилди. Меҳнат самарадорлиги эса 105,6 фоизни ташкил этди.

Сув мосламалари, яъни гидропресслар цехи учта бўлинмадан иборат. Меҳнат жамоаси корхона меҳнат рақобатида биринчиликни эгаллаб келмоқда. Цех ишлаб чиқараётган маҳсулот нафақат иттифоқимиз корхоналарига, балки четга ҳам юборилади. Унга бўлган талаб йилдан-йилга ўсиб боряпти. Мазкур мослама қишлоқ меҳнаткашларининг оғирини енгил қилаётганлиги учун ҳам шундай бўлса керак. Маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида цех қайтадан таъмирланмоқда. Бу ерда яқин кунларда рақамли дастур билан бошқариладиган 8 та дастгоҳ ўрнатилди. Лекин бугун маҳсулотни экспортга жўнатиш учун унинг ташқи ғилофини тайёрлаш муаммоси кун тартибидан тушмаяпти. Чунки чет элларда маҳсулотнинг сифати билан бирга унинг қандай ўралганига, қандай қадоқланганига ниҳоятда катта аҳамият берилади. Шунинг учун ҳам бугун корхона аҳли маҳсулотларнинг янада харидоргирлигини таъминлаш учун интиляпти.

Заводда техника ва технологияни жорий қилиш, янги-янги маҳсулот турларини ўзлаштириш борасида тинмай изланишяпти. Ахир ҳозирги кунда хўжалик ҳисоби шароитида иш юритаётган барча корхоналарнинг мақсади ҳам қандай йўл билан бўлмасин, ишчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшилаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишдан иборат эмасми. Биз ҳикоя қилаётган тажриба-таъмирлаш ва механика заводида ҳамма ишлаб чиқариш топшириқларининг муваффақиятли адо этилиши даромад жамғармасини яратиш ва уни ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга сарфланаётганини айтиб ўтиш керак.

Бу йил корхона ишчилари учун 78 хонадонли 9 қаватли турар жой биноси қуриб битказилди. Ишчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун махсус зал фойдаланишга топширилди. Яқиндагина қуриб, фойдаланила бошлаётган бинолардан бири заводнинг муҳандислик ҳамда маъмурий биносидир.

Чимён ҳудудида ишчиларнинг 90 ўринли дам олиш майдони мавжуд. Шунингдек Красногорскдаги ёрдамчи хўжалик ҳам меҳнат жамоаси ихтиёрида. Бу ерда боғдорчиликка катта эътибор қаратилаётганлиги билан бир қаторда чорвачилик ҳам ривожлантирилмоқда. Айнан шу мақсадларда, яъни емхашак базасини яратиш учун 9 гектар ер майдони ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда ёрдамчи хўжаликда 165 та қўй-қўзи бўлиб, корхона ҳар йили улардан 2—3 тонна гўшт олмоқда. Бу соҳадаги ниятлар катта. Лекин афсуски чорвачилик учун мўлжалланган жойнинг қурилиши ҳали ниҳоясига етмаган. Қурилишга ажратилган 420 минг сўмнинг 238 минги ўзлаштирилди холос. Бунинг асосий сабаби эса қурилиш маҳсулотларининг етишмовчилигидир. Юқори мутасадди ташкилотлар мазкур жамоанинг муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берсалар ишчиларни катта ташвишдан халос этган бўлардилар. Қолаверса бу корхонанинг 60 йиллик санасига катта туҳфа бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ишчилар ҳамма соҳада бу санани муносиб кутиб олишга ҳаракат қиляптилар. Ҳар бир цех, ҳар бир участкада ҳамкасбларига намуна бўлаётган ишлаб чиқариш илғорлари бор. Бундай илғорлар қаторида мотор цехининг ёқилғи-аппаратларини таъмирловчи, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ишчилари Н. Мессингер ва И. Зиковлар меҳнат қилишади. Улар ҳозиргача кўплаб ёшларга касбнинг илк сабоқларини ўргатдилар.

Мосламаларни тиклаш цехи силлиқловчиси К. Муҳаммаджонов, текисловчи И. Нагибинлар эса кунлик режаларини 115—120 фоиздан пастга туширмаяптилар. 46 йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган А. Ротов, завод меҳнат жамоаси кенгаши раиси В. Алёшинский, халқ истеъмоли буюмлари цехининг ишчилари Э. Алиева ва М. Селимовалар ҳам ҳақли равишда илғорлар сафидан ўрин олганлар.

Пешқадам меҳнат жамоаси ҳам меҳнатда, ҳам ижтимоий фаолиятда фаол қатнашиб келмоқда. Интилувчанлик эса ўз самарасини бермай қолмаяпти. Ишчилар ўз меҳнатлари билан иқтисодий қудратни кундан кунга мустаҳкамлаб бормоқдалар.

У. УСМОНОВ.



⊙ СУРАТЛАРДА: моҳир ихтирочи В. Алёшинский, деталларни таъмирловчилар (чапдан ўнгга) И. Малахова, И. Ендошаялиева, М. Ўтбосарова, тажрибали токарь А. Ротов.

Муаллиф суратлари.

Тараққиёт истиқболлари

«МИЯЛИ» ДАСТГОҲЛАР

ИНСОН яралибдики, у ҳамиша орзулар оғушида яшайди. Аждодларимиз тафаккури билан хаёлан «ихтиро» этилган учар гиламлар, ойнаи жаҳонлар, оташ араваларнинг амалий ифодаси бугунги кунда ранго-ранг ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлагига айланиб қолди. Эндиликда самолёт ва поездлар, видеомагнитофон ва телевизорлар билан ҳеч кимни ҳайратга сололмайсиз. Аммо ёғочдан ясалиб, уч ака-ука томонидан жон ато этилган ҳайкалнинг халқ орзу қилган «жонланиши» кундалик турмушимизга ниҳоятда сустлик билан кириб келяпти. Ваҳоланки, «темир одам»лар ҳақидаги ривоятлар бундан неча ўн йиллар муқаддам мавжуд эди. Хайриятки, асримизнинг сўнгги йилларида ЭҲМлар вужудга келиб, улар ёрдамида дастурлаштирилган роботлар ишлаб чиқаришда яхшигина кўмакдош вазифасини ижро эта бошлади.

Ана шу хилдаги темир дастёрлар Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган бизнинг заводимизда ҳам оғиримизни енгил қила бошлади.

Ҳамма жойда бўлганидек бизнинг корхонамизнинг ҳам ўз жонкуярлари бор. Ҳамон эсимда, кўп йиллар олдин заводнинг тажрибали ишчиларидан Виталий Додохов, Владислав Бондаренко, Алексей Корташовлар бирлашма бош инженери И. П. Великий ҳузурига кириб, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш пайти келганлигини айтишди. Игорь Петрович тажрибали ишчилар фикрларини диққат билан эшитиб, уларнинг кўнглини кўтариб, кузатиб қўйди. Эртаси куниёқ завод қошида рационализатор ва ихтирочилар бюроси ташкил этилди. Янгиликка интилувчиларга кашфиётхона эшиклари ўша кундан бошлаб ланг очилди, уларнинг ижодий фаолиятларига оддий инженер, ажойиб ихтирочи Юрий Иванов бош-қош бўлди.

Ўтган шу йиллар давомида қўл меҳнати мутлақо устун бўлган цехларимиз фаолиятига, гарчи жуда сустлик билан бўлсада, автоматика кириб кела бошлади. Жумладан, металл эритиш, хом ашё ҳамда тайёр маҳсулотларни юклаш ва тушириш, бурама ускуналарни тайёрлаш, бўяш, деталларни йиғиш, бўлакларни иситиш, буюмларни узатиш ва тақсимлаш, қирқиш ва пардозлаш каби жуда кўп жараёнлар автоматлаштирилди, айни пайтда жуда кўп ишчилар ўрнини ЭҲМ—«мияли» роботлар эгаллади.

Сўнгги ўн йил ичида заводимиздаги 25—30 фоиз қўл меҳнати механизациялаштирилди. Хўш, бу кўпми, камми? Қуйидаги рақамлар таҳлилига эътибор берсангиз, буни ўзингиз дарҳол тушуниб оласиз. Автоматлаштириш ва механизациялаш ҳисобига ўтган бир йилнинг ўзида ўрта ҳисобда 1-цехда 132 минг 318 сўм, 2-цехда 35 минг 322 сўм, 3-цехда 39 минг 599 сўм, 14-цехда 3 минг 377 сўм, 18-цехда 3 минг 759 сўм, 25-цехда 4 минг 966 сўм, 33-цехда 2 минг сўм миқдорида иқтисодий самара кўрилди.

Биз бугунги кунда Искандар Исмоилов, Михаил Симаков, Эдуард Бок, Владимир Кувизин, Виктор Резников, Иван Пехота, Татьяна Коваленко сингари ажойиб ихтирочи ва рационализаторларимиз номини фахр билан тилга оламиз. Турғунлик йилларида уларнинг неча ўнлаб таклифлари тўсиқларнинг бу томонидан қолиб кетаверди, аммо заводимизнинг бу азамат жонкуярлари чекинмадилар. Ҳозир ихтиро ва рационализаторлик бюроси ҳар қандай таклифни уч кундан кечиктирмасдан кўриб чиқишни одат тусига киритди. Ихтиро ижроси тезлашди, бунинг натижасида ҳозир кўпгина цехларимизда 3—4 та дастгоҳни бир ишчи бошқариб боришга муваффақ бўлаяпти.

Кейинги бир неча йил давомида корхонамизда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш масаласига жиддий эътибор берила бошланди. Ҳозир цехларимизда деталларни юклайдиган ва туширадиган рақамли дастур билан бошқариладиган ва бир неча хилдаги деталларни мустақил тайёрлай оладиган роботлар ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири бир неча ишчининг вазифасини адо этмоқда. Бу яхши, албатта. Аммо уларнинг иш унумдорлиги 1,5 баравардан ошмаётган бир пайтда биз сотиб олаётган роботлар нархи йилдан-йилга кўтарилиб бормоқда. Масалан, 16 К 20 деб номланган тўнғич робот баҳоси ўн минг сўм эди, шу хилдаги вазифаларни бажарувчи, озгинагина такомиллашган сўнгги туркум роботларининг ҳар бири 50 минг сўмгача қимматлашиб кетди. Натижада осмоний нарх иқтисодий самараларимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Худди ана шунинг учун ҳам заводимиз ишчилари ишчи роботларни бевосита заводнинг ўзида тайёрлаш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқдалар. Агар бу ишни ҳам йўлга қўя олсак, биз Болгария, ГДР ва Чехословакиядан тилла ҳисобига роботлар сотиб олишга барҳам берган бўлур эдик.

Тўғри, биз чет эл саноати билан алоқани узмоқчи эмасмиз. Анча такомиллашган роботларни сотиб олиш ниятидан қайтганимиз йўқ. Шу мақсадда корхонамиз бош директори В. А. Беляев яқинда Югославия сафарига жўнаб кетди. Мақсадимиз битта: биз ишлаб чиқараётган тракторларимиз бежирим ва умрбоқий бўлсин. Аммо мамнуният билан эътироф этишимиз керакки, ҳали чет эл буюртмачиларидан нолиш эшитганимизча йўқ. Ваҳоланки, биз Куба, Бангладеш, Афғонистон, Мўғулистон сингари 33 та чет давлатларга ўз маҳсулотларимизни етказиб бериб турибмиз. Ишлаб чиқариш жараёнларини мукаммал роботлар ҳисобига автоматлаштириш техникамиз турлари сифатини янада яхшилаш имконини беради. Биз, айниқса, қуриш ва йиғиш цехларидаги ишларни бажарадиган, шунингдек, деталлар сифатини текширадиган роботларга жуда муҳтожмиз. Омборхоналаримизда деярли 80 фоиз иш қўлда бажарилади.

Мақсад — ўн мингдан ортиқ киши меҳнат қиладиган корхонамиздаги иш жараёнларини тўла-тўкис автоматлаштириш ва механизациялашдан иборатдир.

П. ХАРАХ,
СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери ўринбосари.

Ҳам куласиз, ҳам куясиз

ҚУВОНТИРМАГАН ЯНГИЛИК

Чилонзор районидаги 96-алоқа бўлимида ўтган йили тажриба асосида фаолият кўрсатиш йўлга қўйилди. Эшик тепасида «96-тажриба алоқа бўлими» деб ёзилган тахтача пайдо бўлди.

Шикоятлар камайдими? Умуман тажриба усули нима берди одамларга? Бу савол билан алоқа бўлимида 10 йилдан бери ишлаб келаётган хатлар бўлимининг сараловчиси Тўти ая Холматовага мурожаат қилдик.

— Алоқа бўлимида тажрибанинг жорий қилиниши бизларга бир қанча қулайликларни яратди, — дейди хат сараловчи Тўтихон ая Холматова. — Жумладан иш жойимиз кенгайди, янги стол ва стулларга эга бўлдик. Лекин бу — камчиликлардан фориғ бўлдик, шикоятлардан қутулдик деган гап эмас. Чунки асосий нуқсон — бўлимимизга келтириладиган газета ва журналларнинг тўлиқ етказиб берилмаслиги аввалги ҳолида қолди. Кошки эди бунинг учун бўлим ходимларини айблаш мумкин эмаслигини бошқалар тушунса.

— Аввалларн хонадонларга бир кунда икки марта рўзнома тарқатиларди, — суҳбатимизга қўшилди хат ташувчи Р. Хаитов. — Ҳозир эса уч марта чиқилмоқда. Буни ҳам ўзига хос ўзгариш дейиш мумкин. Муштарийларга ғамхўрлик шунчалик бўладида.

Дарҳақиқат, 96-тажриба алоқа бўлимида ўзгаришлар бор, силжиш ҳам. Буни асло инкор этиб бўлмайди. Аммо янгилик ҳаммани бирдек қувонтирмаяпти. Масаланинг яна шу томони таажжублантиради одамни.

— Мижозларнинг кўпи тажрибани бизга пеш қилаверадиган бўлиб қолишди, — дейди ишчи О. Довженко, — негаки аввалги камчиликлардан ҳали бутунлай ҳоли бўлганимиз йўқ. — Қолаверса, аввалларн посилка қабул қиладиган хонамизда ҳавони мўътадил сақлашга мослаштирилган ускуна бўларди, ремонт қилингандан сўнг ғойиб бўлди. Энди ёзнинг иссиқ кунларида димиқиб ишлашга мажбурсан киши. Мижозларга махсус қоғозларни, тўлдириш қоидаларини кўрсатувчи намуналар ҳам йўқ.

Алоқа бўлими бошлиғининг муовини М. Газиева биз билан мулоқотда юқорида айтилган нуқсонларни инкор этмади. Ходимлар мижозлар билан хушмуомалаликда ишлаётганликларини таъкидлади. Тўғри, ширинсуханлик ҳамма жойда асқотади. Айниқса, меҳнат фаолияти давомида аҳоли билан бевосита мулоқотда бўладиган ташкилотларда бундай фазилат жуда ҳам зарур. Лекин қачонгача қуруқ сўз билан шикоятчилар ҳожатини чиқариш мумкинлигини бир ўйлаб қўйиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмас эди. Алоқа бўлимига марказий нашрларнинг тўлиқ етказиб берилмаслиги катта ташвиш келтирмоқда. Айрим рўзнома ва жаридаларнинг кечикиб келтирилиши ҳоллари содир этиб турилибди. Унга барҳам беришга бўлим жамоасининг қўли қисқалик қилади. Демак, бу масалада мутасадди ташкилотларнинг алоҳида эътиборлари зарур.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
ТошДУ талабаси.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Янги уйдан норози»

Янги уйга ёки ётоқхонага одамлар нене орзиқишлар билан кўчиб киришади. Аммо янги бинонинг «азоби» ҳақида шу йилнинг 10 январида «Тошкент оқшоми» рўзномасида босилган ана шу танқидий мақолага таҳририят орадан шунча вақт ўтгач, Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари О. Карапетов имзоси билан шундай мазмунда жавоб хати олди:

— «2-Тансиқбоев даҳасида 22-уй Собир Раҳимов райони турар жойлардан фойдаланиш-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобида турмайди.

Шу муносабат билан бу ҳақда Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси («Главташкентстрой») жавоб беришини сўраймиз. Бу ётоқхона уларга тегишли».

ТАҲРИРИЯТДАН: Шу гапни айтиш учун орадан шунча ойни ўтказиб юбориш шартмиди! «Бор отангга, бор онангга» қабилидаги бунақа қоғозбозлик, сансалорлик оқибатида янги уйдан норози бўлганларнинг оғири енгил бўлиб қолдимикан!

Айтинг-айтинг, энди Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси ҳам бу мақолани кўриб кўрмасликка олмасин.

«Хурмача қилиқ»

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 3 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Миршаропов кўчасида электр таъминотида тез-тез узилиш бўлиб туриши тилга олинган эди.

Бу мақола Тошкент кабель электр тармоқлари идорасига текшириб чора кўриш учун юборилган эди. Шу идора директори С. Зассеев имзоси билан олинган жавоб хатида шундай дейилади:

— «Мақола Ҳамза район электр тармоқлари идораси жамоаси ўртасида муҳокама этилди. Ҳақиқатан ҳам Миршаропов кўчаси электр таъминотида тез-тез узилишлар бўлиб тургани тасдиқланди. Аммо шуни ҳам айтмоқчимизки, бу узилишлар узоқ давом этмаган, масалан кўпи билан 2 соат 15 минутгача электр бўлмай қолган. Бунинг сабаби эса 60-йилларда ётқизилган юқори кучланишли кабеллар эскириб кетган, узилиб-узилиб туриши оқибати шу.

Тошкент кабель электр тармоқлари идораси мазкур маҳаллада электр таъминотини яхшилаш мақсадида 1993 йилда «Маҳалла» дастури бўйича электр тармоғини таъмирлашни режалаштириб қўйди.

Ҳозирча эса район электр тармоғи таъминоти идораси бу ерда электр тармоғини жорий таъмирлаш ишларини ўтказди. Бу ерда электр таъминоти ҳозирги пайтда рисоладагидек».

Хориждан хабарлар

⊙ ВАШИНГТОН. Оқ уйда СССР ва АҚШ президентлари М. С. Горбачев билан Ж. Бушнинг бўлажак олий даражадаги учрашуви муносабати билан ўтказиладиган брифинглар туркумининг биринчиси бўлди. У қуроляроғлар устидан назорат масалаларига бағишланган эди.

Икки раҳбарнинг музокараларига тайёргарлик доирасида Москвада давлат секретари Ж. Бейкер билан ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ўртасидаги учрашув чоғида «сезиларли муваффақиятга» эришилди, «у олий даражадаги учрашувнинг самарали бўлиши учун асос яратадики, бу қуроллар устидан назорат ўрнатишда аниқ-равшан натижалар беради», — деди журналистлар билан учрашувда сўзга чиққан Ж. Буш маъмуриятининг олий мансабли вакили. У шу ҳафтада ҳозирча ҳал этилмаган масалалар устидаги ишни давом эттириш учун Вашингтонга совет мутахассислари келишини қайд этди.

⊙ БМТ. БМТ хавфсизлик кенгаши маслаҳатлашувлар натижасида Женевада ўз мажлисини ўтказмоқда. Бир гуруҳ араб мамлакатлари илтимосига биноан чақирилган ушбу мажлисда «Исроилнинг Фаластин халқига нисбатан қилган жинояти тўғрисидаги» масала муҳокама қилинмоқда, деб таъкидланади араб мамлакатлари гуруҳининг раиси, Бахрайннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Карим Иброҳим Аш Шакарнинг хавфсизлик кенгаши раиси номига йўллаган мактубида.

⊙ КУСКО. Перуда қаттиқ хавфсизлик чоралари кўрилиб, АНД битими давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви очилди. Унда Боливия, Венесуэла, Перу ва Эквадор президентлари, шунингдек ўз мамлакати президенти номидан вакил бўлиб келган Колумбия ташқи ишлар министри қатнашмоқда. Инкларнинг бутун жаҳонга машҳур қадимий Мачу—Пикчу шаҳарқалъаси ҳудудида бошланган музокаралар марказида регионал иқтисодий ривожланиш масалалари, ташқи қарз танглиги ва қорадорифурушликка қарши кураш сингари АНД мамлакатлари учун муҳим бўлган муаммолар турибди.

Мачу—Пикчудаги учрашув қатнашчиларининг баёнотларига қараганда, улар Шарқий Европа мамлакатларида, Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикасида рўй бераётган жараёнларга алоқадор жаҳондаги ўзгаришлар мавзуини ҳам кўриб чиқадилар.

⊙ ПРАГА. Прагада ЧСФР мудофаа кенгаши янги таркибининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисда Чехия ва Словакия Федератив Жумҳуриятининг президенти Вацлав Гавел қатнашди. Мудофаа кенгаши ЧСФРнинг БМТ усулига мувофиқ халққа эълон қилинган ҳарбий бюджетига розилик билдирди. Собиқ мудофаа ҳарбий комиссиясининг барча қарорларини ЧКП Марказий Комитетида 1969 йилдан амал қилган ғайриқонуний орган сифатида бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. У давлат мудофаа қобилияти ҳамда хавфсизлигига тегишли узил-кесил қарорларни тайёрлаб келган эди. Давлатни ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан вазифаларни ҳал этиш ва мувофиқлаштиришнинг янги системасини тузиш зарур деб топилди. Миллий мудофаа министрига ЧСФРнинг қандайдир душманга қарши қаратилмаган янги ҳарбий мудофаа доктринасини ишлаб чиқиш топширилди.

⊙ АДАН. Бу ерда Бирлашган Яман давлати — Яман жумҳурияти тузилганлиги тантанали вазиятда эълон қилинди ва унинг уч рангли байроғи илк бор кўтарилди.

Яман Халқ Демократик Жумҳурияти билан Яман Араб Республикаси олий қонун чиқарувчи органлари ҳайъатларининг бўлиб ўтган қўшма мажлисида уларга берилган ваколатларга мувофиқ бирлашган давлатнинг беш кишидан иборат президентлик кенгаши сайланди. Кенгашга Яман Араб Жумҳуриятидан президент Али Абдалла Солиҳ, вице-президент Абдул Карим ал Араши ва бош министр Абдул Азиз Абдул Ғани, Яман Халқ Демократик Жумҳуриятидан Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг бош котиби Али Салим ал Байд ва Яман Социалистик партияси Марказий Комитети бош котибининг ўринбосари Солиҳ Муҳаммад кирдилар. Президентлик кенгашининг барча аъзолари қасамёд қилдирилди. А. А. Солиҳ Яман жумҳуриятининг президенти этиб, А. С. Ал Байд вице-президент этиб сайланди.

⊙ ҚОҲИРА. Миср совет фуқароларининг эмиграциясига қарши эмас, бироқ тинчлик манфаатлари, Исроил ҳамда арабларнинг манфаатлари кўчиб келаётган кишилар босиб олинган араб ҳудудларида жойлашмаслигини тақозо этмоқда. Журналистлар билан учрашувда сўзга чиққан президент Хусни Муборак шу ҳақда гапирди. Агар совет яҳудийларини у ерга жойлаштириш давом этадиган бўлса, деб таъкидлади у, унда вазият мушкуллашади ва янги кўчиб келган кишилар билан фаластинликлар ўртасида кураш бошланади.

⊙ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон аҳолиси ҳозир тахминан 821 миллион кишидан иборатдир. Бу ҳақда мамлакат парламентида эълон қилинди. Республикада аҳоли охирги марта 1981 йилда рўйхатга олинганидан кейин ўтган тўққиз йил ичида у 136 миллион кишига кўпайди. 2005 йилга бориб эса, БМТ экспертларининг фикрича, Ҳиндистон аҳолиси 1 миллиард 446 милион кишига етади, яъни илгари ҳисобланганидан 216 миллион кўпроқ бўлади. 2030 йилга бориб эса Ҳиндистон эҳтимол Хитойдан ҳам ўзиб кетади ва жаҳондаги аҳолиси энг кўп мамлакатга айланади.

Ҳиндистон аҳолисининг аниқ миқдори келаси йил ўрталарида, навбатдаги рўйхатга олиш натижалари эълон қилинганидан кейин маълум бўлади. Ҳозир мамлакатда жаҳондаги энг катта статистика операцияси деб аталаётган шу кампанияни ўтказишга кенг тайёргарлик кўрилаяпти. Бу кампанияда бир ярим миллион ҳисобчи иштирок этади. Улар келаси йил 9 февралдан бошлаб 5 мартга қадар бўлган даврда Ҳиндистоннинг бутун аҳолисини бирма-бир рўйхатга олиб чиқишади.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. АҚШ автомобилсозлик компаниялари учун бу йил муваффақиятсиз бошланди. Сотилган автомобиллар миқдори 1989 йилнинг шу давридагига нисбатан ўртача 18-20 фоиз қисқарди. «Крайслер» компанияси айниқса катта зарар кўрди. У сотган енгил автомобиллар 23 фоиз, юк машиналари ва автобуслар эса 15 фоиз камайди. «Катта учлик»нинг бошқа икки вакили ҳам анчагина зарар кўрмоқда. «Форд»нинг кўрсаткичлари ўтган йилдагига нисбатан енгил автомобиллар учун 20 фоиз ва юк машиналари учун 9 фоиз пасайди. «Женерал моторс»нинг аҳволи бироз дурустроқ. У сотган енгил автомобилар сони 13 фоиз ва юк машиналари сони 1,5 фоиз камроқ бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Америкада ишлаб чиқарилган автомобилларнинг Қўшма Штатлардаги шуҳрати кейинги йилларда бетўхтов пасайиб бормоқда. Айни пайтда чет элда, аввало Японияда ишланган автомобиллар нуфузи бетўхтов ошиб бормоқда. Бу машиналарни харидорлар йилдан-йилга кўпроқ сотиб олаётгани тўғрисидаги маълумотлар шубҳасиз шундан далолат бермоқда.

(ТАСС).



⊙ БУГУНГИ ВЕНА. Австрия пойтахти — Венадаги машҳур «Бургтеатр» биноси.

А. Рухадзе сурати (ТАСС).



Суратли репортаж

Доимо харидоримиз бўлинг!

⊙ «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга фақат мамлакатимиз жумҳуриятларидагина эмас, балки Америка, Канада, Покистон давлатларида ҳам талаб ортиб бормоқда.

— Бугунга келиб меҳнаткашларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 300 хилдан ошиб кетди, — дейди бирлашма бош директори Рустам Маҳкамович Ғуломов биз билан суҳбатда. — Маҳсулотларимиз харидоргирлигининг асосий сабабларидан бири унинг замонавий эканлигидадир. Моделчиларимиз, технологларимиз харидорларимизни янада хушнуд этиш учун ва чет эл фирмалари томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга тенглаштиришлари учун барча имкониятларни ишга солишади.

Бугунги кунга келиб бирлашма томонидан ишлаб чиқарилаётган кийим-кечакларни сотадиган махсус фирмали магазини очиш зарурияти туғилиб қолди. Шунинг учун ҳам куни кеча Беруний шоҳ кўчасидаги «Баҳор» ателье уйи ёнида 500 квадрат метрни эгалаган «Малика» магазини биринчи харидорларни қабул қилди.

Икки бўлимдан иборат бўлган 160 квадрат метрли савдо залида харидорлар учун ҳам, сотувчилар учун ҳам барча қулайликлар мавжуд. Кийим-кечакларни мижозларга мослигини кийиб кўрадиган хоналар, ўраш ва дазмоллаш хоналари мавжуд. Маиший хизмат кўрсатиш хоналарида эса дам олиш, овқатланиш бўлимлари ажратилган. Янги магазиннинг ҳозирги савдо шохобчаларидан фарқи шундаки, бу ерда фақат бирлашма томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сотилибгина қолмасдан, янги кўринишдаги кийимларни тиктириш учун ҳам буюртмалар қабул қилинади. Айниқса, трикотаждан тайёрланаётган катта размердаги кийим-бошларни тиктириш учун буюртмалар қабул қилиниши кўпчиликни мамнун этди.

— Менга «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган кийимларнинг материали жуда манзур бўлар эди, аммо размерим йўқ бўлганлиги сабабли олиб киёлмасдим, — дейди «Гулобод» даҳасида яшовчи уй бекаси Дилбар Олимжонова. — Энди бунга имконият туғилди. Бирлашма хизматчиларидан жуда-жуда миннатдорман.

Магазин қошидаги ишлаб чиқариш участкасида меҳнат қилаётганлар бригада пудрати бўйича ишлашади. Бу ерга бирлашманинг энг уста тўқувчилари юборилган. Улар Япониядан келтирилган ўнта тўқув дастгоҳи ёрдамида ишлашади. Йил охирига қадар магазиннинг товар оборот плани 300 минг сўмни ташкил этади. Келаси йилда эса бир миллион сўмлик хизмат кўрсатиш мўлжалланмоқда. Фирмали магазинда харидорлар учун махсус таклифнома тайёрланди. Унда қуйидаги сўзлар битилган: «Азиз харидоримиз! Сиз шу қилган харидингиз билан бизнинг дўконимизга фахрий аъзо бўлдингиз. Харидингиз сизга ва оилангизга қувонч ва бахт келтирсин. Доимий харидоримиз бўлинг!»

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.



⊙ **СУРАТЛАРДА: «Малика» фирмали савдо шохобчасида.**
Р. Шарипов суратлари.

Ижодий сафар

⊙ УЗБЕКИСТОН ва Қозоғистон концерт ташкилотлари ўртасида тузилган ижодий ҳамкорлик ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Ана шу алоқа доирасида Тошкент ва Олмаота давлат консерваторияларининг яқин ҳамкорлиги ҳам йўлга қўйилди.

Яқинда Олмаота давлат консерваториясида бўлиб ўтган концертда Тошкентдаги Успенский номли жумҳурият мусиқа мактабининг ёш истеъдодлари ижрочилик маҳоратларини намойиш қилдилар. Томоша зали узра Бах, Шопен, Моцарт, Чайковский, Рахманиновларнинг энг яхши асарлари баралла янгради.

Ижодий сафар кунларида мусиқа мактабининг ёш чолғучилари Қозоғистон давлат симфоник оркестри билан биргаликда ҳам жозибали концертлар бердилар. Илиқ кутиб олинган бу концертларга халқаро танлов нишондори, дирижёр Т. Абдрашев бошчилик қилди.

С. ОБИДОВА.

Меҳр-мурувват, инсонийлик—ҳаёт гултожи

Муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф:

«МУХОЛИФЛАР КИМНИНГ ТЕГИРМОНИГА СУВ ҚУЙЯПТИ?»



⊙ ЯҚИНДА матбуотда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси қароргоҳида жумҳурият уламоларининг йиғилиши бўлиб ўтгани хабар қилинган эди. Унда бир неча йиллардан бери ўлка мусулмонлари ўртасида яширин ҳолатда бўлган мухолифлик ва уни бартараф этиш юзасидан қарор қабул этилди. Мухбиримиз ана шу мажлис ва унда қабул қилинган қарор тафсилотини сўзлаб беришни сўраб Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, СССР халқ депутати, муфти Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ ҳазратларига саволлар билан мурожаат қилди.

— Муфти ҳазратлари, Сизнинг бевосита ташаббусингиз ва раҳбарлигингизда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси қароргоҳида жумҳурият уламоларининг йиғилишида қандай муаммоли масалалар муҳокама этилди?

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳим. Яқинда диний бошқармамиз қароргоҳида диёримиздаги баъзи уламолар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Бу учрашувда асосан ҳозирда мусулмонлар ўртасида бўлаётган ихтилофларга чек қўйишлик ва уларнинг ўрталарини ислоҳ қилиш чоралари кўрилди. Муштарийларимизга тушунарли бўлишлиги учун бу ихтилофлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

Биздаги ҳозирги ихтилофлар асосан Ислом дини жавҳарига таъсир қилмайдиган жузъий масалаларда бўлиб, бу Ислом оламининг барча жойларида ҳам бир вақтлар бўлиб ўтган. Лекин у ерларда бу муаммолар ижобий ҳал қилинган. Диёримизда эса турли манбалардан фойдаланган кишилар бу борада ўзларича фикр юритиб, уларни турлича талқин этмоқдалар. Мисол учун намозда «Омин» сўзини овоз чиқариб айтиладими ёки йўқми? Шунингдек, таъзия муносабати билан ўтказиладиган маросимлар тўғрисидаги тортишувлар. Бу хусусда диний бошқармамиз томонидан фатволар чиқишига қарамасдан, 7, 40, 52 ва ҳоказо маросимлар жойларда урфодат тарзида давом этмоқда. Баъзилар бунга қарши чиқса, баъзилар тарафдор бўлмоқдалар. Аслида эса Ислом шариати бўйича таъзия муносабати билан қилинадиган маросим бор. Бу «вазима» деб аталади. Унда на куни, на вақти белгиланмаган, балким, маросим қилмоқчи бўлган шахс қодир бўлган фурсатда ўзидан, бола-чақасидан орттирганда оллоҳ йўлида эҳсон қилиши мумкин ва бошқалар.

— Мусулмонлар ўртасида бир неча йиллардан бери яширин ҳолатда мавжуд ихтилофлар ошкоралик шароитида юзага қалқиб чиққан экан, бу зиддиятга қай тарзда чек қўйилди?

— Баъзи ихтилофли масалалар ҳақида тортишувлар шу даражага етдики, тоифачилик руҳига берилган шахслар бир-бирларини кофирликда айблай бошладилар. Жанжаллар, масжидларда тўполонлар авжига чиқди. Бундай нохуш вазият ҳатто динга алоқаси йўқ кишиларни ҳам қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Узоқ муддатдан сўнг эришилган эркинликни суиистеъмол бўлишидан кўпчилик хавф қила бошлади. Одамларда тоифачилик руҳи ўсиб, ўз тоифасидан бошқанинг ҳамма иши нотўғри бўлиб кўрина бошлади.

Маълумки, ҳар бир нарсага тоифачилик завол келтиради. Шунинг учун ҳам диний бошқармамиз раҳбарияти мусулмонлар ўртасидаги бу ҳолатни ислоҳ қилиш учун жуда катта саъйи-ҳаракатлар қилди. Масжидларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Уламолар билан суҳбатлар ўтказилди. Оллоҳга шукр натижа хайрли бўлди. 1 Май куни ўтказилган уламолар учрашувида турли ихтилофларга чек қўйилди.

Диёримизда рўй бераётган ошкоралик ҳар бир соҳада ўз таъсирини кўрсатмоқда, десак хато бўлмас. Узоқ йиллар давомида ҳукм суриб келган ҳолат диний соҳага ҳам таъсир кўрсатди. Халқимизнинг диндан узоқлашиши, диний тарбиянинг йўқлиги салбий таъсир кўрсатди. Шундай улкан мамлакатда мусулмонларнинг иккита диний ўқув юрти бўлиб, унда ҳам саноқли талабалар таълим олар эди. Малакали диний ходимлар етишмаслиги оқибатида турли ихтилофлар, зиддиятлар келиб чиқа бошлади. Диний адабиётларнинг етишмаслиги ва мунтазам диний тарбиянинг йўқлиги бу зиддиятларнинг бош омилларидан бири бўлиб қолди.

Диний бошқармамиз бу ихтилофларга чек қўйиш борасида кенг кўламда фаолият кўрсатмоқда. Мусулмонлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришлик билан биргаликда, уларнинг диний саводларини оширишликка эътибор берилмоқда. Динимизнинг асосий манбаи бўлмиш Қуръони Карим тарқатилмоқда. Диний бошқармамиз нашриёт бўлимида чоп этилган диний адабиётлар, «Совет Шарқи мусулмонлари» мажалласи, «Ислом нури» рўзномалари бу борада мусулмонларга хизмат қилмоқда. Келгусида диний ўқув юртлари — мадрасаларнинг сонини кўпайтириш, жойларда бошланғич диний таълим берадиган мадрасалар очиш, масжидлар қошида ўқитиш ишлари олиб бориш режалаштирилмоқда.

Тоифачилик, зиддиятларни бартараф қилишликда масжидлар орқали тарқатилган фатво ва изоҳотлар яхши самара берди. Айниқса жонли мулоқот, масжидлардаги учрашувлар, ваъзларнинг таъсири катта бўлди.

Ихтилофларга чек қўйиш учун уламоларнинг бирлиги ва иттифоқи зарурлигини ҳисобга олиб 1 Май куни сулҳ мажлиси ўтказилиб, унда ҳозирги кунда диёримиз мусулмонлари учун энг хавфли душман ихтилоф ва келишмовчилик экани таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, ҳозирги пайтда ҳар қачонгидек ихтилоф қўзғатувчилар Исломга қарши кучлар тегирмонига сув қуювчилар вазифасини бажаришликлари қайд қилиб ўтилди.

— Мусулмонларимизнинг диний бошқармаси атрофида жипслигини таъминлаш мақсадида қандай ақидаларга амал қилинишини муштарийларимизга кенгроқ таҳлил этиб бера оласизми?

— Мазкур мажлисда, келгусида Ислом дини равнақи йўлида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси атрофида жипслашишликка аҳду паймон қилинди. Чунки ҳаётий тажриба кўрсатиб турибди, қайси ерда ихтилоф, зиддият бўлса, ўша ерда барокот кўтарилади. Ислом динимизнинг асосий манбалари бўлмиш Қуръони Карим ва суннати шарифга амал қилган ҳолда иш олиб борамиз. Диёримиз мусулмонларини қадимдан ақидавий масалаларда аҳли суннат ва жамоат, фиқҳий масалаларда эса ҳанафий мазҳабига амал қилганларини эътиборга олиб, мазкур мазҳаб кўрсатмаларига амал қилиш лозимлиги маъқул топилди.

Мусулмонлар ўртасида, сен фалон тоифа ёки оқимга тааллуқлисан, дея камситишлар қатъиян ман этилди. Ўтган даврда йўл қўйилган хато ва гиналарга барҳам берилиб, учрашув иштирокчиларининг барчаси бир-бирлари билан қучоқ очиб кўришиб, келгусида иттифоқликда бўлишликка аҳднома туздилар.

Сулҳ кунидан бошлаб масжидларда, йиғинларда, маросимларда ва ҳатто шахсий суҳбатларда ҳам бир-бирларини танқид қилиш, орқасидан гапиришга йўл қўймасликка аҳд қилинди. Шу билан бир қаторда, диний идора рухсатисиз бир масалани кўтармаслик ва ўзбошимчалик билан иш юритмаслик таъкидлаб ўтилди. Мусулмончилик талаби ҳам шу Оллоҳга, пайғамбарга итоатдан сўнг иш бошиларга итоат қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи эканлиги Қуръони Карим оятларида қатъиян таъкидлаб ўтилган.

— Ихтилофли масалалар пайдо бўлган тақдирда мажлисда сайланган 9 кишидан иборат ҳайъат томонидан қандай ҳал этилади? Бу ҳайъат кимлардан иборат бўлади? Мусулмонлар ўртасига ихтилоф солишга сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатлар деганда асосан нималар назар-эътиборда тутилади?

— Ислом шариатида асосий масалалар китобларимизда очиқ-ойдин баён қилиб берилган. Лекин баъзи бир катта аҳамият касб этмаган масалалар борасида салаф уламоларимиз, ҳатто ҳанафий мазҳабига мансублари ҳам бир неча фикрлар айтиб кетишган. Ана шу мазҳабимиз доирасидаги нарсаларни қайси бирига амал қилишлик мажлисда сайланган ҳайъат аъзолари томонидан ҳал этилади. Булар 9 кишидан иборат бўлиб, диний бошқармамиз раҳбарият аъзолари, масжид имом-котиблари, кўзга кўринган олимлардир. Келгусида лозим топилса, у ҳайъат аъзоларининг сони оширилиши мумкин. Бу ҳайъат бирор ихтилофли масала борасида фатво чиқарса, унга оғишмай амал қилиш барчанинг бурчидир.

Ҳозирги жамиятимиздаги рўй бераётган ошкоралик, халқчилликдан ўз ғарази йўлида фойдаланаётган шахслар ҳар бир соҳада топилса керак. Диний соҳага ҳам ҳар хил тоифадаги кишилар суқилиб кириб қолган. Улар ўз шахсий ғаразлари йўлида оддий мусулмонларнинг соддадиллигидан фойдаланиб, ҳар хил фитналар, туҳмат қўзғашмоқда, рухсат берилмаган йиғинлар ўтказишмоқда. Улар тоифачилик, зиддият қўзғатувчи масалаларни кўтариб чиқиб, диний бошқарма жипслашувига ғов бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар хил тоифага бўлиниб, бир-бирларини камситувчи ҳақоратли гаплар қилмоқдалар. Буларнинг барчаси диний ақидамиз асосига зиддир. Шунинг учун ҳам мажлис иштирокчилари, мусулмонлар ўртасида ихтилоф солишга сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатларни содир қилган шахс, ким бўлишидан қатъи назар Ислом ва мусулмонлар мухолифи деб эълон қилинади.

— Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг жипслигини мустаҳкамлаш ва жамият тараққиётини ривожлантириш учун Сиз раҳбарлик қилаётган диний бошқармада айни кунларда қандай амалий ишлар олиб бориляпти?

— Диний бошқармамиз фаолияти кўп қирралидир. Мусулмонларни жипслаштириш йўлида саъйи-ҳаракат қилмоқда. Ҳозирда кўпсонли мусулмонларни ҳаж сафарига олиб боришликка тайёргарлик кўрилмоқда. Бу диёримиз тарихида биринчи бор, тўғри Тошкент — Жидда йўналиши бўйича тайёраларда ҳожиларимизни Саудия Арабистонига олиб боришга эришмоқдамиз. Ҳаж маросими мусулмонлар жипслигининг рамзидир.

Мусулмонлар оммасига ҳақиқатни тушунтириш учун ҳам кўп ишлар қилинмоқда, ваъзлар, учрашувлар, радио, «ойнаи жаҳон», рўзнома ва жаридалардаги чиқишлардан самарали фойдаланмоқдамиз.

Фақат май ойини оладиган бўлсак, Фарғона водийси вилоятларидаги бир қанча масжидларда бўлиб мусулмонлар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказдик. Жиззах вилоятида бўлиб ўтган катта кенгашда иштирок этиб кўпгина жамиятимиз тараққиётига боғлиқ масалаларда шариатимиз ҳукмларини баён қилдик. Шунингдек, Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида бўлдик. Жумҳурият радиоси ходимлари жамоаси, Жиззах вилояти ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари жамоаси, Тошкент трактор заводи ишчилари ва бошқа маҳалла ва корхоналарда ҳам учрашувлар бўлиб ўтди.

Жамиятимиз тараққиёти йўлидаги турли ишларда ҳам қўлдан келганча ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Ўйлаймизки, аввало ўз ичимиздаги келишмовчиликни бартараф этиб олсак, фаолиятимизда янгидан-янги уфқлар очилиб бораверади иншаоллоҳ.

Суҳбатдош Тўлқин РАСУЛЕВ.

ФАОЛ ИШЛАЯПМИЗМИ?

Демократия тўхтамни танлаш эркинлигинигина эмас, шу билан бирга бу қарорларни қабул қилиш истагини ҳам, улар учун жавобгарликни ҳам назарда тутади. У тўғридан-тўғри бизнинг ҳаётий позициямиз билан боғлиқдир. Ижтимоий ривожланиш муаммоларини бир томонга қўйиб, ўзимизга савол берайлик: «Биз ўз шахсий можароларимизни ҳал этишда қанчалик фаолмиз?».

Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети социология хизмати ўтказган фикрларни сўраб билиш худди шу масалага бағишланди. Бу мавзунинг танланиши бежиз эмас. Зеро одамлар оммавий ахборот воситаларини ариза ва шикоятларга кўмиб ташламоқдалар. Масалан, республика тележурналистлари ўртача ҳар 12 минутда ариза ва шикоят олишмоқда...

Бундай ҳолатнинг сабаби нимада? Шуни эътироф этиш керакки, кўпчилик кишилар ёки сўровда қатнашганларнинг 70 фоизи расмий идораларга мурожаат қилишдан олдин муаммони ўз кучлари билан ҳал этишга уриниб кўриш керак, деб ҳисоблайдилар. Бироқ анкета саволларига жавоб қайтарган ҳар беш кишидан бири ҳар қандай кичик зиддиятли вазият вужудга келиши биланоқ, дарҳол расмий идораларга мурожаат қилиш керак, дейишмоқда.

Шуниси қизиқарлики, бундай нуқтаи-назар тарафдорларининг аксарият қисми партия идораларига ёки газеталарга, ЎзТАГга, бошқа оммавий ахборот воситаларига ёзишни афзал биладилар. Нашрлар, шу жумладан партия нашрлари аниқ-равшан тадбирлар қабул қилиш учун қонуний асосга эга эмасликлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай ёзаверадилар. Айни пайтда сўраб билиш натижаларига қараганда, ўз мақомига кўра тартиб ўрнатиши лозим бўлган халқ назорати идоралари ариза ва шикоятлар қабул қилиб олувчилар ўртасида охирги ўринда турадилар.

Муаммони норасмий йўл билан, манфаатдор шахслар билан келишиб ҳал қилиш ҳаммасидан ҳам самаралироқ деб ҳисоблайдиган сўровда қатнашган кишилар ҳаддан ташқари позицияни эгалламоқдалар. Бошқача қилиб айтганда, улар пора бериш керак демоқдалар. Бундай фикрда бўлган кишиларнинг 15 фоизини хизматчилар, 12 фоизини ишчилар, 6 фоизини КПСС аъзолари ташкил этади.

Бу сўраб билиш бизнинг жамиятимизда одамларнинг истаклари ва интилишлари бир хил эмаслигини кўрсатди. Анчагина одамлар эса ўзларини мутлақо мантиқсиз тутмоқдалар. Улар «Аппаратчилар» деб аталаётган ходимларни ҳамма ерда қисқартиришни талаб қилмоқдалар, аммо ўз можароларини ҳал этишда фақат уларга орқа қилмоқдалар. Шунинг учун бўлса керак, бизнинг заминимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти каби ташкилотлар мустаҳкам жой олмаётир. Бу нарса микрорайонлардаги ишчи назорати, уй эгалари кенгашларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатни такрорлаб ўтирмаймиз, лекин қайта қуриш барчанинг ва ҳар бир кишининг иши бўлгандагина ҳақиқатан ўз самарасини бериши мумкин.

Материал ЎзТАГ ҳузуридаги махсус матбуот гуруҳи томонидан тайёрланган.



⊙ **ТЕЗ, АНИҚ, ҚУЛАЙ. «Средазэнергопроект»нинг электрон-ҳисоблаш машиналари залида.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти барча йўналишдаги озиқ-овқат, саноат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар тайёрлайди. Бу группаларга 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8,5 ой.

Ўқишга республикамиз шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар педсовет қарорига кўра, ўқишни битириб бўлгач Тошкент совет савдо техникумига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг Бош универсал магазинида ва универсамларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, шаҳар савдо идораси ва область бошқармасининг йўлланмаси.

Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда 32 сўм стипендия берилади.

Ота-онасиз ва етим қолган ўқувчиларга ҳамда Улуғ Ватан уруши I ва II даражали ногиронларининг фарзандларига ҳар ойда 41 сўм стипендия тўланади.

Республика ҳунар-техника билим юрти қўнимгоҳи: 700173, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (13, 70, 116э-автобуслар билан «Чўпон ота», 4 ва 9-трамвайлар билан «Тез ёрдам» медицина клиникаси бекатларигача борилади). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

10-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тикувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшли ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қорақамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қорақамиш массиви» бекатлари).

Ушбу жаҳон биринчилигида олимпия системасидан, яъни мағлубиятга учраган ҳар бир команда турнирни тарк этиши керак бўлган усулдан воз кечишди. Энди командалар 4 та гуруҳга бўлиниб ўзаро ўйнар, унинг ғолиблари финал беллашувларида қатнашадиган бўлди. Финал турнирида ҳам командалар ўзаро ўйнашар, энг яхши натижа кўрсатган мамлакат терма командаси эса жаҳон биринчилигининг ғолиби бўларди. Барча мутахассис ва ишқибозларнинг фикрича, охирги ўйингача 5 ўйинда 21 тўп киритган майдон эгалари — бразилияликлар жаҳон чемпиони бўлиши керак эди. Европада бу пайтда кучли терма командалар йўқ ҳисоби эди. Биринчиликни ўтказиш тартибига кўра алоҳида финал ўйинини ўтказиш кўзда тутилмаган эди. Аммо турнирнинг 16 июлда Рио-де-Жанейрода ўтказилган охирги ўйини финал тусини олди. Тан олиш керак, уругвайликлар таркибида Андраде, Чиггина, Варела, Скиаффино каби улкан футбол юлдузлари бор эди. Ушбу ўйиндан олдин бразилияликларда 4 очко, Уругвай футболчиларида эса 3 очко бор эди. Шу сабабли, Бразилия команда ўртасидаги ўйинда ғалаба қозонса, чемпионлик унга насиб этарди.



Морлок ва Раннинг муваффақиятли ҳужумларидан сўнг, 18-дақиқада ҳисоб тенглашди — 2:2. Яъни ўйин яна қайтадан бошланаётган эди десак хато қилмаймиз. 80-дақиқада қанот ҳужумчиси Ран учинчи маротаба венгрияликлар дарвозасини забт этди. 85-дақиқада венгерлар тўпни тўрга туширадилар. Ўйин ҳаками Линг марказни кўрсатади. Бироқ ёрдамчи ҳакам Гриффинс тўп ўйиндан ташқари ҳолатдан киритилди деб ҳисоблайди. Беллашув 3:2 ҳисобида тугайди. Аввалги жаҳон биринчилигида бўлганидек, кучли ҳисобланган команда яна мағлубиятга учради. Кўпчилик ушбу ғалабанинг қутилмаганда юз берганини таъкидлади. Лекин фактни рад қилиб бўлмайди. Ғолибнинг доимо бир оз омади келади. Чемпионлар билан танишинг: Турек, Поспал, Кольмайер, Эккель, Либрих, Май, Ран, Морлок, О. Вальтер, Ф. Вальтер (капитан), Шафер. Ушбу биринчилик ҳозирга қадар энг кўп тўп киритилган биринчилик ҳисобланади, яъни 26 ўйинда тўп 140 маротаба дарвоза тўрига туширилган. Ўртача кўрсаткич бир ўйинда 5,38 гол.

Энг сермаҳсул ҳужумчи — Кочиш (Венгрия) — 11 тўп.

«ЮЛДУЗ»ЛАР БЕЛЛАШУВИ

НАВБАТДАГИ VI жаҳон биринчилиги футбол тарихидаги энг ёркин турнирлардан бири бўлиб муҳрланиб қолган. Футбол қироли Пеле ҳам дастлаб 17 ёшида шу биринчилик ўйинларида тобланган. Швеция тупроғида ўтказилган биринчиликда қатнашиш учун 53 мамлакат хоҳиш билдирди. Деярли бир миллион ишқибоз кузатган 89 нафар саралаш ўйинларидан сўнг Англия, Франция, Австрия, Бразилия, Аргентина, Парагвай, ГФР, Швеция, Мексика, Уэльс, Шотландия, Шимолий Ирландия, Венгрия, Югославия, Чехословакия ва Совет Иттифоқи терма командалари финал турнирига йўлланма олдилар. Шуни қувонч билан таъкидлаймизки, 1946 йилдан ФИФА аъзоси СССР терма командаси 1956 йил Олимпиада ғолиби бўлганидан сўнггина 1-марта жаҳон биринчилиги ўйинларида қатнашиш учун бел боғлади. Аммо у пайтда биз жаҳон футболи ҳақида жуда кам маълумотларга эга эдик. Чунончи, ҳатто кўпчилик спорт мутахассисларимиз ҳам модомики Олимпиада ғолиби бўлдикми, бу ёғига жаҳон чемпиони бўлишимиз ҳеч гапмас деган фикрда эдилар.

Биринчилик бошланишига саноқли кунлар қолганда уч асосий ўйинчимиз: ҳужумчилардан Э. Стрельцов ва тезкор ўйинни учун «реактив» лақабини олган Б. Татушин, ҳимоячи М. Огоньковлар турли сабабларга кўра терма команда сафларида ўйнаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бу жуда оғир йўқотиш эди, албатта. Акс ҳолда, балким... Аммо бўлар иш бўлган, бўёғи синган эди. Хуллас, биринчиликка қуйидаги таркибда ташриф буюрдик: Яшин, Кесарев, Крижевский, Б. Кузнецов, Войнов, Царев, А. Иванов, В. Иванов, Нетто, Симонян, Сальников, Ильин, Фалин, Апухтин. Бош тренер Г. Д. Качалин эди.

Биринчиликдаги дастлабки ўйинимиз Англия терма командаси билан бўлди. Унда 2:2 ҳисоби қайд этилди. Биринчи бўлимдан сўнг 2:0 ҳисобида олдинда бўлсак-да, лекин охирги дақиқаларда ҳакамнинг дарвозамизга ноҳақ 11 метрли жарима тўпи белгилаши натижасида ўйин дуранг натижа билан тугади. Австрия билан ўтказилган кейинги ўйинда эса 2:0 ҳисобида ғалаба қозондик. Учинчи рақибимиз Бразилия футболчилари эди. Ҳозирча кўпчиликка номаълум бўлган, кейинчалик эса жаҳонни лол қолдирган буюк футболчилар Пеле ва Гарринчанинг ҳам ушбу ўйинда биринчиликда дастлабки майдонга тушишлари эди. Қанотда беқиёс ўйин кўрсатган Гарринчани тўхтатишга ҳимоячиларимиз ожиз эдилар. Ваванинг 2 аниқ зарбасидан сўнг биз мағлубиятга учрадик. Янги, 1—4—2—4 услубини қўллаган бразилияликларга бу биринчиликда ҳеч ким тенг кела олмади. Группада 2-ўринни олиб чорак финалга чиқиш учун англияликлар билан беллашишга тўғри келди. Бу ўйинда ҳам 1:0 ҳисобида ғолиб келдик. Чорак финалда майдон эгалари — Швеция терма командаси билан учрашдик. Командамиз жуда чарчоқ ҳолда эди, шу сабабли рақибларимиз 2:0 ҳисобида устун келдилар. Тан олиш керак, Ватанимиз футбочилари ушбу биринчиликда бутун куч-ғайратларини, маҳоратларини охиригача сарфлаган эдилар.

Ушбу жаҳон биринчилигида Швеция ва Франция терма командалари кутилмаганда жуда чиройли ва сермаҳсул ўйин кўрсатиб ярим финалга чиқдилар. Унда жаҳон чемпионлари ГФР футболчиларини швецияликлардан 3:1 ҳисобида энгилдилар. Бразилия — Франция ўйинида 5:2 ҳисоби қайд этилди.

29 июнда Стокгольмда ўтказилган финал баҳсида Бразилия футболчилари швецияликларни 5:2 ҳисобида енгдилар. Пеле ва Вава 2 маротабадан рақиб дарвозасини ишғол этди.

Ушбу жаҳон биринчилиги Хамрин, Зеелер, Фонтэн, Пьянтони, Копа, Тихи, Скоглунд, Пеле, Гарринча, Вава, Линдхольм каби жуда кўп футбол юлдузларини кашф этди. Ўйинларда жуда кўплаб тўплар киритилди. Чунончи, 13 тўп билан биринчиликда юқори натижа кўрсатган француз Ж. Фонтэннинг бу рекорди ҳали ҳам забт этилгани йўқ. Швеция стадионларига 821 минг ишқибоз тушиб ушбу ажойиб ўйинлардан баҳраманд бўлди. Энди эса ғолибларнинг номлари билан танишинг: Жильмар, Ж. Сантос, Беллини (капитан), Орландо, Н. Сантос, Зито, Диди, Гарринча, Вава, Пеле, Загало.

УЛҒАЙГАН ҒОЛИБЛАР

1962 ЙИЛИ Чилида ўтадиган навбатдаги биринчиликда қатнашиш истаги 56 мамлакат терма командаси томонидан билдирилди. Деярли 2 йил давом этган саралаш ўйинларидан сўнг Швейцария, Болгария, ГФР, Венгрия, СССР, Англия, Италия, ЧССР, Испания, Югославия, Мексика, Аргентина, Уругвай, Колумбия, Бразилия ва Чили командалари финал турнирига йўлланма олдилар.

Бу жаҳон биринчилиги жуда бўш ўйнайдиган командаларнинг деярли йўқлиги билан ажралиб туради. Жаҳон чемпионлари — бразилияликлар таркибида 9 нафар жаҳон Кубогининг ғолиби бор эди. Аммо уларнинг Чехословакия билан бўлган иккинчи ўйинларида Пеле қаттиқ жароҳат олиб, сафдан чиқди. Уни алмаштирган ҳужумчи Амаридо ҳам ўзининг энг яхши томонларини намойиш қилиб, янги юлдуз сифатида чақнади. Пеле жароҳатн туфайли илк марта бразилияликлар янги, кейинчалик машҳур бўлиб кетган 4—3—3 услубини қўлладилар. Икки йил муқаддам Европа Кубогини қўлга киритган совет футболчилари ҳам энди биринчилик ғолиблигига даъвогар командалардан бири ҳисобланарди. Унинг таркибида қуйидаги футболчилар бор эди: Яшин, Масленко, Чохели, Дубинский, Островский, Воронин, Нетто, Метревели, Численко, Вал. Иванов, Понедельник, Маминкин, Месхи, Каневский, Хусаинов. Дастлаб Хельсинки ва Мельбурн Олимпиада ўйинларида ва Европа Кубогининг финалида баҳслашган эски рақибимиз Югославия терма командаси билан учрашдик. Бу кучли командани Понедельник ва Ивановнинг аниқ зарбаларидан сўнг 2:0 ҳисобида енгдик. Кейинги ўйин жуда кучсиз ҳисобланган Колумбия командаси билан эди. Иккинчи бўлимнинг бошларида 4:1 ҳисобида олдинда эдик. Дарвозабон Яшин ва ҳимоячи Чохелиларнинг бир-бирларини тушунмаганлиги сабабли рақибимиз 2-тўпни киритади. Бундан руҳланган колумбияликлар яна 2 тўп уриб ўйинни кам учрайдиган ҳисоб— 4:4 натижаси билан тугатадилар. Ҳа, жаҳон биринчилигида кучсиз командалар бўлмайди, рақибни менсимаслик ёмон оқибатларга олиб келади деган ҳақиқат яна бир карра намоён бўлди. Учинчи ўйинда Уругвай терма командасини 2:1 ҳисобида енгдик ва группада 1-ўринни эгаллаб, чорак финалга йўлланма олдик. Майдон эгалари — Чили футболчилари билан бўлган ушбу ўйин футболчиларимизнинг тўхтовсиз ҳужумларида ўтди. Бутун ўйин давомида рақибларимиз фақат учтагина уриб ўйинни кам учрайдиган ҳисоб хавфли вазият вужудга келтирдилар ва ундан иккитасини гол билан якунлаб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг спорт шарҳловчиси.

(Давоми бор).



⊙ Ҳатто аёл қалбини ҳам ром этадиган футбол ўйини таърифининг ўзи бир жаҳон.



⊙ Днего Марадонага тўп келиб тушиши биланоқ мухлислар ҳаяжони бошланади.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 31 майда чиқади.

(Давоми. Боши рўзноманинг аввалги сонида).

лия командаси учун дуранг натижа ҳам кифоя эди. Аммо кўпчиликни уларнинг қанчалик йирик ҳисобда ғалаба қозонишлари қизиқтирарди. Ушбу қизиқарли ўйинда жаҳондаги ҳозирга қадар энг катта, машҳур «Маракана» стадиони ўз тарихида биринчи марта тўлди — 200 минг ишқибоз.

Ўзларининг устунликларига ишонган Бразилия футболчилари рақиблари томонидан шундай катта қаршилик ва ғалабага бўлган интилишга дуч келдиларки, оқибатда қаттиқ асабийлашиб, ўйинларини йўқотдилар ва биринчи бўлиб тўп киритган бўлсаларда 2:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Ушбу ўйин ғалаба қозониш учун юксак техника билан бирга аъло даражада руҳий тайёргарлик ҳам кераклигини яққол кўрсатди. Ўйиндан сўнг бутун Бразилия аҳолиси мотам тутиб, йиғлади. Уругвайликлар учун эса 16 июль куни миллий байрам деб эълон қилинди.

Жаҳон чемпионлари билан танишинг: Масполи, М. Гонзалес, Техейра, Гамбетта, Варела (капитан), Андраде, Чиггина, Перес, Мигуэс, Скиаффино, Моран.

Биринчиликнинг энг ётакчи ҳужумчиси 7 тўп киритган Бразилия футболчиси Адемир эди.

ЯШАСИН ҲУЖУМКОР ФУТБОЛ!

1954 ЙИЛДА ўтказиладиган V жаҳон биринчилиги учун ажойиб табиатга эга ва мўътадил Швейцария танланди. Саралаш ўйинларидан сўнг Уругвай, Швейцария, Чехословакия, Австрия, ГФР, Шотландия, Англия, Венгрия, Туркия, Бельгия, Италия, Югославия, Франция, Мексика, Бразилия ва Жанубий Корея терма командалари финал турнирига йўлланма олдилар. Бу вақтда жаҳонда бир неча кучли терма команда мавжуд эди. Айниқса, Пушкаш, Хидегкути, Божик, Грошич, Кочиш каби футбол юлдузларидан иборат Венгрия терма командаси тилларда достон эди. Улар биринчиликка қадар 31 ўйин ўтказиб 28 ғалаба ва 3 дурангга эришгандилар. Уругвайликлар таркибида 4 жаҳон чемпиони бор эди. Ғарбий германияликлар командаси ҳам чакки эмасди. Тақдир тақозоси билан финал учрашувининг бўлажак қатнашчилари Венгрия ва ГФР командалари битта группага тушиб қолдилар. Уларнинг ўзаро ўйинлари 8:3 ҳисобида венгриялик футболчилар ғалабаси билан тугайди. Бироқ германияликларнинг ўйинни тобора юксалиб борарди. Чорак финалда улар Югославияни 2:0, ярим финалда эса Австрияни 6:1 ҳисобида енгадилар. Таъкидлаб ўтиш жоиз, биринчиликдан сўнг германияликлар тренери З. Гербергернинг тан олишича, улар асосан чорак финалга чиқишнигина режалаштирган эканлар. Чунончи, бундан бир ой олдин ГФР футболчилари жаҳон Кубогини қўлга киритадилар деган одамни эси пастга чиқарар эдилар. Бундай натижани ҳатто энг ашаддий немис ишқибози ҳам хаёлига келтира олмасди. Мутахассисларнинг фикрича, Бразилия, Англия, Уругвай, Венгрия командалари жаҳондаги энг кучли ва ғолибликка лойиқ командалар эди. Аммо, тақдир тақозоси деганларидек... Венгрияликлар ҳам қадларини ғоз тутиб олға интилардилар. Улар дастлаб жуда кучли бразилияликларни 4:2, ярим финалда эса жаҳон чемпионлари — Уругвай футболчиларини ҳам шу ҳисобда енгиб, финалга чиқадилар.

Ва ниҳоят, 4 июль, 70 минг ишқибоз билан тўлган Берндаги Марказий стаднон. Кучли ёмғир. Майдонда Венгрия — Ғарбий Германия терма командалари. Қизиғи шундаки, 8-дақиқадаёқ Пушкаш ва Цибор зарбаларидан сўнг венгрияликлар 2:0 ҳисобида олдинда эдилар! Аммо

(Давоми. Боши рўзноманинг аввалги сонида).

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олий ўқув юртларига киришни истайдиган мактаб ўқувчилари ва абитуриентлар диққатига!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

қуйидаги фанлар бўйича

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Узбек тили ва адабиёти, тарих, жамиятшунослик, математика.

Машғулотларни қабул имтиҳонларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган дорилфунуннинг етакчи ўқитувчилари олиб борадилар.

Машғулотлар давомида ёзма ва оғзаки имтиҳонларни топшириш бўйича амалий маслаҳатлар ҳам олиш мумкин.

Юқорида қайд этилган фанлар бўйича машғулотлар МАДАНИЯТ САРОЙИ БИНОСИда якшанбадан ташқари ҳар куни соат 16.00 да жадвал тартиби бўйича ўтказилади.

1-НАВБАТ — 1990 йил 1 июндан 15 июнгача;
2-НАВБАТ — 1990 йил 16 июндан 30 июнгача.

Машғулотларда қатнашиш учун абонементларни ТошДУ МАДАНИЯТ САРОЙИнинг 26 хонасида соат 11.00 дан 18.00 гача ҳар куни сотиб олиш мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун 46-39-55 рақамли телефонга мурожаат этилсин.

Транспорт: 28, 34, 87, 100-автобуслар: 8, 4, 20-троллейбуслар; 9, 12, 21-маршрут таксиларнинг «В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни» бекати.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ **С. И. Кадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти**

қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига ўқиш ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.



Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, Авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиацня ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67а, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА УҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИГА:

Машинасозлик, химиявий технология, автомобиль омбор хўжалиги, механика-тузатиш хўжалиги, иссиқлик-газ таъминоти соҳалари бўйича лойиҳа ишлари учун мутахассислар ва қурилиш касбларига эга бўлган ишчилар.

«СРЕДАЗУГОЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

бош ҳисобчи, молия бўлимининг бошлиғи.

«СРЕДАЗТЕХЭНЕРГО» КОРХОНАСИГА:

электростанциялар ва подстанцияларнинг кучланиш ускуналари ва автоматика бўлимига электрчи муҳандислар, иссиқлик автоматикаси ва электр симларини созловчи муҳандис, ЭҲМ СМ-2 техника хизмати кўрсатиш учун электроник-муҳандислар, «электр акустика ва ультратовуш техникаси» ихтисоси бўйича электрчи, «иссиқлик электр станциялари», «иситиш, шабадалатиш, мўътадиллаштириш» ихтисослари бўйича иссиқлик энергетикаси ускуналарининг сув тартибини ташкил этиш ва сув тайёрлаш қурилмаларини созлаш бўйича иссиқлик энергетиклари; таҳлилчи — кимёгарлар (муҳандислар, техниклар, лаборантлар); иссиқлик энергетикаси ускуналари бўйича тарроҳ муҳандис, «Қозон ва буғ турбина қурилмалари» ихтисоси бўйича техник—иссиқлик энергетиги.

Ёлғиз кишиларга шинам жиҳозланган ётоқхонадан жой берилади.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ РАЙОН ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ФРУНЗЕ РАЙОНИ: — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОНИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ — Чилонзор даҳаси. 2-мавзе, 3-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1)

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Ленинград, Москва, Ростов-Дон, Тошкент, Новосибирск шаҳарларининг етакчи артистларининг ЦИРК САНЪАТИ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Цирк санъатининг барча жанрлари бўйича икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

«БУҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ» ғаройиб томошаси.

Бутун оқшом манежда масхарабозлар гуруҳи кўнглингизни ёзади.

Томошалар соат 19.00 да; шанба кунлари — соат 16 ва 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15 ва 18.00 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш ташкил қилинган.
Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20 гача ишлайди.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

6 июнь соат 17.00 ва 20.00 да

Чимкентлик хушовоз хонанда
Ғиёс БОЙТОЕВ
ВА
«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби
Мирза ХОЛМЕДОВ
иштирокида

Янги концерт программаси

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Касса соат 11.00 дан очиқ.

ТЕАТР

30, 31 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «СИТОРА» (11), «ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ОДАМ» (13.30, 15, 17, 19, 20.45).

Восток — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (11, 14, 17); «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ГУГА» (11, 14, 17, 20.00).

К. Ерматов номли — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (тоқ соатларда).

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/V да **Жизель.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 30/V да **Кампир нетармиш,** 31/V да **Мушкул савдо.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 31/V да **Келинлар кўзғолони.**

КИНО

29 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ОДАМ» (17, 19, 20.45).

Восток — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (21.00).

Фестиваль (ёзги) — «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (17), «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ГУГА» (17, 20.00).

К. Ерматов номли — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (тоқ соатларда).

Тошкент шаҳар давлат сугуртаси Сергели район инспекциясига берилган 212-намуна, В-сериядаги 961851, ЖМ-сериядаги 157487, ПД-сериядаги 152149, ПД сериядаги 152150 номерларидаги — қатъий ҳисобда турувчи йўқолган

КВИТАНЦИЯЛАР
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент минерал сув қуйиш заводига берилган 21252, 21197, 21198 номерли йўқолган

МОЛ-ТРАНСПОРТ КВИТАНЦИЯЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ДОСААФ Тошкент вилоят комитетининг йўқолган

ДУМАЛОҚ КАНЦЕЛЯРИЯ МУҲРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 01334.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.